

«EUROASIA INSURANCE» АЖ  
акциядорлари умумий йиғилишининг  
2022 йил 17 августдаги қарори билан

«ТАСДИКЛАНГАН»

иигилиш раиси Б.Шадиев



**«EUROASIA INSURANCE»  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
КУЗАТУВ КЕНГАШИ, ТАФТИШЧИ, ИЖРОИЯ ОРГАНЛАРИ  
ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ ШАХСЛАРГА МУКОФОТ ПУЛИ  
ТҮЛАШ ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДАГИ  
НИЗОМИ**

## I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Мехнат кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида»ги Конуни ҳамда «EUROASIA INSURANCE» акциядорлик жамияти шаклидаги қўшма корхона (бундан бўён матнда – «Жамият») Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Кузатув кенгаши аъзолари, Кузатув кенгаши хузуридаги қўмиталарнинг аъзолари, Тафтишчи (Тафтиш комиссияи аъзолари) ҳамда Ижроия органи аъзолари вазифаларини бажарувчи шахсларга ҳақ тўлаш тартибини белгилайди.
2. Ушбу Низом Жамиятнинг барча оддий акцияларининг эгалари акциядорлари (бундан бўён матнда – «Акциядорларнинг умумий йигилиши» деб юритилади) бўлган юкори бошқарув органи томонидан тасдиқланган ва унга барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар Жамият Кузатув кенгаши билан келишилган тартибда Жамият акциядорлари умумий йигилиши қарори билан киритилган.
3. Кузатув Кенгашининг мустақил аъзосига нисбатан мукофотни тўлашнинг бошка тартиби белгиланиши мумкин.

## II. Атамалар ва таърифлар

4. Ушбу Низомда куйидаги атамалар ва таърифлардан фойдаланилган:

**Кузатув кенгаши** – Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида»ги Конуни ва Жамият Уставига акциядорлар умумий йигилиши ваколатига киритилган масалаларга аралашмаган ҳолда, Жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қиласи.

**Кузатув кенгаши аъзолари** – Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида»ги Конуни ва Жамият Уставида белгиланган тартибда акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан муайян муддатга сайланган (тайинланган) шахслар.

**Тафтишчи (Тафтиш комиссияси)** – акциядорлар умумий йигилиши томонидан Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида»ги Конуни ва Жамият Уставида назарда тутилган тартибда муайян муддатга сайланган (тайинланган) шахс/шахслар.

**Ижроия органи** – Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик килувчи Ижроия органи вазифасини бажарадиган Жамият Бош Директори (Бошқарув раиси) ва унинг ўринбосарлари (Бошқарув аъзолари ёки Ижроия органи аъзолари деб ҳам аталиши мумкин).

**Мукофот** – вазифа ва мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ харажатларни тўлаш ёки қоплаш.

**Энг кам иш хақи** – Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш хақи.

## III. Кузатув кенгаши ва Тафтишчига (Тафтиш комиссиясига) мукофот тўлаш мезонлари

5. Жамият Кузатув кенгаши раиси ва аъзоларини моддий рағбатлантириш мақсадида доимий ҳамда қўшимча ҳақ тўланиши мумкин.
6. Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот пули тўлаш мезонлари куйидагилар:
  - 6.1. Кузатув кенгаши йигилишларида шахсан иштирок этиш – ҳар чорак учун энг кам иш ҳакини 100 баробаригача;

- 6.2. Кузатув кенгаши ёки Кузатув кенгаши ҳузуридаги қўмитанинг раислигига қўшимча равища (хар чоракда энг кам иш ҳақини 20 баробаригача);
- 6.3. Кузатув кенгаши қошидаги қўмитага аъзолигига қўшимча равища (хар чоракда энг кам иш ҳақини 20 баробаригача);
- 6.4. молиявий йил охирида мустақил ташкилот томонидан амалга оширилган корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари:
  - қониқарсиз ва паст даражада бўлса - мукофот тўланмайди;
  - қониқарли даражада - йил охирида энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача;
  - юқори даражада - йил охирида энг кам иш ҳақининг 100 баробаригача;
7. Тафтишчига (Тафтиш комиссиясига) мукофот пули тўлаш мезонлари:
- 7.1. ички молиявий назорат тадбирлари ва Тафтишчи (тафтиш комиссияси) йиғилишларида шахсан иштироки (хар чоракда 10 энг кам иш ҳақи);
- 7.2. Тафтишчининг йиллик ҳисботини акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиклаш (йил якуни бўйича энг кам иш ҳақи 20 баробаригача);
8. Ижроия органи – Жамият Бош директорига (Бошқарув раисига) ва унинг ўринбосарларига мустақил ташкилот томонидан амалга оширилган корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра тўлаш тартиби, кўрсаткичлари (шартлари) ва миқдори Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.
9. Кузатув кенгаши ва Тафтишчи (Тафтиш комиссияси) йиғилишларида видеоконференсалоқа тизими орқали, электрон овоз (E-BOTE) орқали ёки бошқа ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда иштирок этиш ҳам шахсий иштирок сифатида баҳоланади.
10. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши ва Тафтишчига (Тафтиш комиссиясига) мукофот тўлаш тўғрисида қарор қабул килишда қўшимча мезонларни белгилаши мумкин.
11. Мазкур Низомнинг 5-9 бандларида белгиланган қоидалар Жамият учун мажбурий эмас ва Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул килинганидан сўнг белгиланиши ва тўланиши мумкин.

#### **IV. Бошқарув органларида иштирок этажтан шаҳсларни рағбатлантиришнинг манбалари ва уни шокор этиш**

12. Жамиятнинг айланма пул маблағлари юқоридаги шаҳсларга ҳақ тўлашнинг манбаси ҳисобланади.

#### **V. Кузатув кенгаши, Тафтишчига (Тафтиш комиссиясига) ва Ижроия органлари вазифасини бажарувчи шаҳсларга мукофот тўлаш миқдори ва тартиби**

13. Ушбу Низомда белгиланган тартибда мукофотлар ва уларнинг миқдори куйидаги асослар бўйича камайтирилиши мумкин (шу жумладан нол миқдоригача):
  - чорак давомида ўтказилган 50% дан кўп бўлмаган йиғилишларда узрли сабабларсиз катнашмаган тақдирда, иш сафари, меҳнат таътиллари, касаллик ва бошқалар бундан мустасно, мукофот миқдори 25% га камаяди;

- чорак давомида ўтказилган 50% дан ортиқ йиғилишларда сабабсиз катнашмаган, иш сафари, меҳнат таътиллари, касаллик ва бошқалар бундан мустасно, мукофот пули тўланмайди;
  - натижаси Жамиятнинг молиявий ахволи ёмонлашишига ёки белгиланган қонунчиликнинг бузилишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган масалаларни бошлаш;
  - Жамиятнинг молиявий ҳолати ёмонлашувига ёки амалдаги қонунчиликнинг бузилишига ёки бузилишига олиб келиши мумкин бўлган муҳим маълумотларни яшириш;
  - Жамият Кузатув кенгаши, Тафтишчига ва Ижроия органи аъзоларига нисбатан шикоятларда кўрсатилган фактлар тасдиқланса.
14. Кузатув кенгаши, Тафтишчи ва Ижроия органи аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда мукофот пули ишлаган ой учун мутаносиб равишда тўланиши мумкин, агарда мукофот тўловлари белгиланган бўлса.
  15. Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан Жамият молиявий ахволи ёмонлашишига олиб келган тақдирда мукофот миқдорлари ҳам (шу жумладан нолга) камайтирилиши мумкин.
  16. Мукофот маблағларни кўрсатиб ўтилган шаҳслар шахсий ҳисоб рақамларига ёки амалдаги қонун хужжатларида белгиланган миқдорларда ва тартибда солиққа тортишни ҳисобга олган ҳолда уларга хизмат кўрсатувчи банкларда очилган пластик карточкаларга ўтказиш йўли билан мукофот пули тўланади.
  17. Кузатув кенгаши ва Тафтишчи (аъзолари) ушбу Низомда назарда тутилган ҳақни жамият Кузатув кенгаши раиси ёки Жамият Ижроия органи раҳбари номига мукофот олишни рад этиш тўғрисидаги ариза юбориш йўли билан тўлиқ ёки кисман олишдан бош тортиши мумкин.

## **VI. Якуний қоидалар**

18. Ушбу Низом 2023 йилдан бошлаб кучга киради ва амал килиш муддати тугагунига қадар ёки бекор қилингунгача амал қиласди.
19. Ушбу Низомда назарда тутилмаган қоидалар амалдаги қонунчиликка асосан тартибга солинади.
20. Агар ушбу Низомнинг айрим нормалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва (ёки) жамият Уставига зид бўлса, улар ўз кучини йўқотади ва Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари ва (ёки) жамият Уставининг тегишли нормалари қўлланилади. Ушбу Низомнинг айрим нормаларининг ҳақиқий эмаслиги умуман бошка нормалар ва Қоидаларнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди.